



Ижтимоий ҳимоя

Пенсия таъминотини такомиллаштириш йўлида

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан ҳамкорликда пенсия таъминоти тизimini такомиллаштириш ва ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У.Вафоев, Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Ф.Ражабов, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг ўринбосари Ф.Халилов, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ижрочи директорининг биринчи ўринбосари М.Зиёдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аниқ манзилли ижтимоий ҳимоя тизими шакллантирилгани аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунида бу борадаги ҳуқуқий асослар ўз ифодасини топган.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида халқимизнинг турмуш даражасини янада юксалтириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизimini такомиллаштириш, касалликлар профилактикасини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундай кенг қўламли саяҳаткорлар соҳага оид қонун ҳужжатларини такомил-

лаштиришни тақозо этмоқда.

Семинарда тиббий-ижтимоий меҳнат экспертизаси хизмати фаолиятининг қонунчилик базасини такомиллаштириш ҳақида сўз борди. Бунда тиббий-маслаҳат комиссиялари фаолиятини халқаро андозларга мослаштириш, ногиронларнинг турмуш шароитларини янада яхшилаш, жамиятга интеграциялашувини кенгайтириш, даволаш ва реабилитация ишларига замонавий технологияларни жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш, Молия вазирликлари, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг масъул ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда пенсия таъминотида оид норматив ҳужжатларни оптималлаштириш, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, архив идораларида ҳужжатларни жамлаш, сақлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш масалалари юзасидан фикрлашилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

УЛКАН СИНОВЛАР ДАВРИ

Ўзбек модели тушунчасининг ҳаётимизга, онгу шууримизга шиддат билан кириб келганига мана 20 йилдан ошди. Бу тарих учун катта муддат эмас. Лекин ана шу нисбатан қисқа давр мобайнида Ўзбек модели улкан ҳаётбахш куч сифатида иккита катта синовдан муваффақиятли ўтди.



Ўзбек модели — тараққиёт кафолати

Биринчи синов — ўтган асрнинг 90-йилларини ўз ичига олган, ёш мустақил мамлакатимиз бошидан кечирган ўтиш даври эди. Ушандаёқ Ўзбекистон собиқ иттифоқ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб макроиқтисодий барқарорликка эришди, саноат ва ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ишлаб чиқаришда олдинги йиллар-

даги кўрсаткичлардан ўзиб кетди. Бошқача айтганда, **инкироздан ривожланиш орқали чиқиб кетиш бирдан-бир тўғри йўл** эканини исботлади.

Иккинчи синов — 2008 йилда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инкироз бўлди. Тараққиётнинг ушбу модели нафақат бутун жа-


ҳонни қамраб олган молиявий-иқтисодий инкироз зарбаларига қарама-қарши тура олди, балки дунёдаги 10 мамлакат қаторида иқтисодий ўсишнинг энг юқори (йилига 8-9 фоиздан кам бўлмаган) суръатларини таъминлаб келмоқда.

(Давоми 3-бетда.)

Чжан ДЭЧУАН:

«Шарқ тароналари» ажойиб майдон ва қулай минбардир»

Маълумки, Ўзбекистон марвариди — Самарқанд шаҳрида 25 — 30 август кунлари бўлиб ўтадиган «Шарқ тароналари» IX Халқаро мусиқа фестивалига қизгин ҳозирлик кўриломоқда. Жорий йилда ушбу нуфузли халқаро маданий тадбирда дунёнинг эллиқдан зиёд мамлакатлари ижодий жамоаларининг иштирок этиши кутилмоқда.



Кўрик-танлов

«Ягонасан, муқаддас Ватан!»

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тизимидаги республика босқичи ўтказилди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят босқичларида ғолиб чиққан эллиқ нафарга яқин ижрочи ёшлар ва халқимиз суйган санъаткорлар Ватан ҳақидаги янги кўшиқлари билан иштирок этди.

Ватанга бўлган муҳаббат, истиклолга садоқат, ватанпарварлик ғояларини улуғлаш орқали маънавий тарбияни юксалтиришга, юртимизни мадҳ этувчи кўшиқлар ижрочилари меҳнатини қадрлашга қаратилган маъруза танлов ҳаваскор ва профессионал ижрочиларнинг маҳоратини, шеър матнининг бадиийлиги ва мусиқа оригиналлигини ошириш-

га хизмат қилиб келмоқда. Бу йилги танловда ҳам қалбларни ҳаяжонга соладиган янги-янги кўшиқлар янгради.

Ҳакамлар қарорига қўра, танловда дастлабки тўрт ўринни эгаллаган ижрочилар «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг якуний республика босқичига йўлланма олди.

Насиба СОБИРОВА

Сиёсий партия ўз олдида қўйган мақсадларига эришиши учун, аввало, дастурий ғояларидан келиб чиқиб, электоратни ўйлантираётган масалаларни изчил ўрганиши, муаммолар ечимига жавоб излаши керак. Бунинг учун, биринчи навбатда, бошланғич ташкилотлар фаолияти самардорлигини ошириш талаб этилади.

ЎЗХДП: устувор вазифалар

Сайловолди дастурининг ижросини таъминлаш

депутат ва партия фаолларидан янада фаол ҳамда қатъиятли бўлишни талаб қилаётир

Ҳаёт ҳар кун олдимизга янги-янги вазифалар, долзарб масалаларни қўймоқда. Уларни бажариш, ҳудудларда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларга ўз ҳиссамизни қўшиш эса ҳар биримиздан изланиш, интилиш, шижоат ва фидойилик талаб қилиши табиий. Шундай экан, биз мавжуд имкониятлардан қандай фойдаланаямиз, партия фаоли сифатида дастурий мақсадларимизни бажаришда қай даражада иштирок этаёلمиз? Бу борадаги ютуқ ва камчиликларимиз кўпроқ нималарда кўринапти?

ЎЗХДП Сирдарё вилоят кенгашида ўтказилган амалий семинарда ана шу саволлар ўртага ташланди. Тадбирда **Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Хотамжон Кетмонов** иштирок этиб, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида партияларнинг тутган ўрни, хусусан, ЎЗХДП томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳамда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари олдида турган муҳим масалалар тўғрисида фикр билдирди. Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатини ҳимоя қилиш бўйича янги-янги ташаббуслар билан чиқиш, фойдаланилмай келинаётган имкониятларни ишга солиш, бу борада ваколатлардан унумли фойдаланиш масалаларига фаоллар эътиборини қаратди.



Гулистон шаҳрида 56 та бошланғич ташкилот 1360 нафар аъзони бирлаштирган. Яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайловларда 11 та бошланғич ташкилот етакчилигига ташаббускор янги етакчилар сайланди.

(Давоми 2-бетда.)

«Энг муқаддас бойлигимиз — Истиқлолимиз!» танловига

Буюк элнинг толеи баланд фарзандлари бугун ўз иқтидори, салоҳияти ва билими билан дунёни ҳайратга солмоқда

Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги Президентимиз Қарорини ўқир эканман, беихтиёр кечаги кун хотиралари кўз ўнгимдан ўта бошлади: иқтисодиёт ночор — фақат пахта етказиб беришга йўналтирилган, ишлаб чиқариш, саноат ривожланмаган, ижтимоий муаммолар қалашиб, мамлакат жар ёқасига келиб қолган пайтлар. Мустақилликка 6 миллион тонна ғалла четдан сотиб олинган. Кўпи билан 10 фоиз майдонда бугдой экилган. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 80 фоиздан кўпи қайта ишланмасдан, четга чиқарилган.

⇒ 2

Бандлик

Меҳнат ярмаркаси

Самарқанд шаҳар прокуратураси, шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида Самарқанд педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 92 та корхона, ташкилот ва муассаса 327 та бўш иш ўрни билан иштирок этди.

— Бу ярмарканинг аҳамиятли жиҳати шундаки, унда иш сўраб мурожаат қилувчилар учун вақтинчалик ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш, касб эгаллаш учун қайта ўқишга йўлланмалар бериш имконияти мавжуд, — деди шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Шерали Файзиев. — Жорий йилнинг 6 ойи давомида шаҳарда 6 маротаба шундай меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Улар орқали касб-ҳунар коллежларини таъминлаган ёшларни тегишли мутахассисликлар бўйича ишга жойлаштиришга ҳаракат қиляпмиз.

— Самарқанд давлат университети физика факультетининг магистратурасини тамомладим, — дейди Элёр Махмудов. — Ярмаркада иштирок этиб, Сибё тиббиёт коллежига физика фани ўқитувчиси бўлиб ишга жойлашдим. Тадбир давомида иштирокчиларнинг 33 нафари ишга жойлашиш учун йўлланмани қўлга киритган бўлса, 146 нафарига тегишли ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Абдували ХУДОЁРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ, СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220



